Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 80 (20. 347) • 1989 йил 5 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КУБАГА ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ГАВАНА, 4 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Бу ерга расмий дўстлик визити билан келган М. С. Горбачев Гавана паркида ўрнатилган В. И. Ленин ҳайкали пойига душанба куни тушдан кейин гулчамбар қўйди.

М. С. Горбачев билан Ф. Кастро автомашинадан тушиб, ҳайкал томон йўл оладилар. Тантанали дақиқа бошланади. Куба Республикаси билан СССРнинг Давлат гимнлари янграйди. Совет раҳбари лентага: «Улуғ Ленинга — М. С. Горбачевдан» — сўзлари ёзилган гулчамбарни қўяди.

Шу куни Совет делегацияси республиканинг социал-иқтисодий ривожланишига бағишланган «Экспокуба» кўргазмасида бўлди. 24 та павильондан иборат шу кўргазма комплекси ишлаётганига атиги уч ой бўлди. Кўргазма Куба революцияси ғалабасининг 30 йиллигига бағишланиб очилди. Қисқа муддат ичида 400 мингдан кўпроқ киши уни келиб кўрганлиги кўргазма кубаликларда ва чет эллик меҳмонларда зўр қизиқиш уйғотганлигидан далолат беради.

Совет ва Куба раҳбарлари кўргазманинг марказий павильонида фан ва техниканинг ривожланиши тўғрисида тасаввур берувчи экспонатларни томоша қилдилар.

Ф. Кастро экспонатлардан бирига меҳмонларнинг эътиборини жалб қилди. Бу — кубалик олимлар ишлаб чиққан «Сума» микроанализ системаси бўлиб, у қонни клиник анализ қилишга мўлжалланган. Ўтган йилнинг декабрь ойида зилзила жабрдийдаларига ёрдам бериш учун Арманистонга жўнаган кубалик врачлар бригадаси ўзи билан ана шундай системани олиб кетган эди. Ўша самолётда плазманинг катта бир туркуми ҳам армонлар диёрига етказиб берилганди.

«Электроэнергетика» павильонида меҳмонлар Кубадаги биринчи «Хурагуа» атом электр станцияси макети олдида тўхташади, ана шу электр станция СССРнинг техникавий ёрдами билан Сьенфуэгос шаҳрида барпо этилмоқда. АЭСдаги тўртта энергоблокдан ҳар бирининг қуввати 440 мегаваттни ташкил этади.

«Электроника» павильонида автоматлаштириш ва ҳисоб техникаси миллий институтининг директори Самуэль Саварьего ЭҲМлар учун клавиатураларни, видеотерминалларни ишлаб чиқариш ва программавий таъминлаш — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида Куба электрон саноатининг ихтисослашуви тўғрисида гапирди. Шу йилнинг охиригача Гаванадаги «ЭМКО» корхонасида Совет Иттифоқига экспорт қилинадиган 20 мингта дисплей йиғилади.

М. С. Горбачев билан Ф. Кастро Совет ва Куба конструкторларининг бригадаларидаги куч-ғайратлари билан яратилган «КТП-2» шакарқамиш ўриш комбайнини кўздан кечирдилар. Куба раҳбари мана шу қудратли машинанинг яратилиши қандшакар саноати соҳасидаги энг муҳим ютуқлардан бири бўлганлигини қайд этиб ўтди. Бу йилги шакарқамиш ўрими мавсумида ишлатилаётган комбайнларнинг умумий сони 4 мингтадан ошади. Ҳозирги вақтда анча серунум учинчи авлод машиналари ишлаб чиқилмоқда.

Кечқурун Ф. Кастро М. С. Горбачев билан унинг рафиқаси шарафига расмий қабул маросими уюштирди. Унда Совет делегациясининг аъзолари, Куба партия ва давлат раҳбариятининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида М. С. Горбачев Куба раҳбарининг Винница шаҳридан уруш ва меҳнат ветерани В. А. Дмитриев ишлаган портретини унга топширди.

М. С. Горбачев совет телевидениеси мухбири билан суҳбатда визит қандай давом этаётгани тўғрисида сўзлаб берди. Ў, жумладан, қуйидагиларни айтди:

Гарчи биз Кубада эндигина бир сутка бўлишимизга қарамай, жуда катта таассуротлар олдик. Мамлакатимиздагиларнинг кубаликларга, Куба революциясига, Фиделга нисбатан қандай муносабатда эканликларини биламиз. Бу ердагилар бизнинг одамларимизга қандай самимий муносабатда эканликларини кеча биз яна бир бор ҳис этдик.

Фидель билан, бошқа ўртоқлар билан бизнинг ўртамизда интенсив, деярли узлуксиз музокаралар олиб борилмоқда. Биз бунинг учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланяпмиз. Менимча, музокараларнинг учдан бир қисми машинада ўтмоқда.

Ф. Кастро: Мавзу кўпу аммо вақт оз.

М. С. Горбачев: Ҳозирги дунёнинг ғоят долзарб масалалари хусусида жуда мароқли суҳбатлар бўлмоқда. Ҳаммаси яхши.

Мухбир: Михаил Сергеевич, сизнингча, ўзингиз Нью-Йоркда айтганингиздек, биз янгича фикрлаш сиёсати деб айтаётган сиёсат асосидаги ғоялар Куба тараграгидаги вазиятни юмшатишга ёрдам бермасмикан?

М. С. Горбачев: Биласизми, бу мавзу Фидель билан бизнинг ўртамиздаги музокараларда асосий мавзудир, чунки биз ҳозирги дунё ҳақида, унда содир бўлаётган катта ўзгаришлар тўғрисида гапиряпмиз. Биз ҳозир ижобий тенденциялар кучайиб бораётганлиги, яхшилик сари ўзгаришлар бўлаётгани ҳақида ҳам гапиряпмиз. Бунга социалистик мамлакатлар катта ҳисса қўшмоқдалар, бунда бизнинг — Куба билан Совет Иттифоқининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Лекин шуни айтишим керакки, бу ҳақда биз гапирган ҳам эдик: ҳозир Ғарбдаги музокарадошларимиз кўпроқ нарсани англаб етишганлиги жуда муҳимдир. Кенг жамоат доиралари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Умуман, дунёда яхшироқ муносабатлар сари интилиш кучайиб бораётганлиги сезилмоқда, ўйлайманки, Совет Иттифоқи билан Куба ўз масъулиятларини англаб етмоқдалар ва ҳамиша бўлганидек, ўзларига муносиб иш тутадилар.

С. ГОРБУНОВ,
А. КАНИШЧЕВ,
С. СЕРЕДА,
В. ТАЛАНОВ.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 апрель (ТАСС). Александр Волков, Сергей Крикалев ва Валерий Поляков «Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида режалаштирилган ишларни давом эттирмоқдалар.

Комплекс яқинидаги атмосферанинг физик характеристикаларини аниқлаш ва унинг аэродинамик қаршилигига баҳо бериш учун космонавтлар бир туркум «Диаграмма» экспериментларини бажардилар. Шлюз камераси орқали штангада очиқ космосга чиқариладиган магнит разрядли датчик ёрдамида зарур ўлчовлар ўтказилди. Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш, атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ қуруқлик айрим участкаларини суратга олиш навбатдаги туркуми бажарилди.

Медицина контроли планига мувофиқ экипаж командири билан борт-инженер текширувдан ўтишди, бундан мақсад осойишталик шароитида юракнинг биоэлектрик активлигини аниқлашдан иборат эди.

Бугун экипаж асосан комплекс ичидаги белгиланган профилактика ишларини ўтказиш билан банд бўлади. Электр таъминот системасининг гарантия муддати тугаётган бир қанча асбобларини «Прогресс—41» юк кемаси эгтиб берган янгилари билан алмаштириш лозим бўлади.

Учиш нормал ўтмоқда. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

Ҳозир партия, қайта қуриш олимлар олдига қўйган кенг миқёсли ва мураккаб вазифалар янгича ишлаш сари туб бурилишни талаб этади. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларида ҳам конткертлаштириб берилган. Пленумда таъкидланганидек, иқтисодий муносабатлардаги туб ўзгартишлар билан фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни қўшиб олиб бориш қайта қуриш жараёнларида катта ўзгаришлар қилиш имкониятини очади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими академиклари билан бўлган учрашув ана шу масалаларга бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов кириш нутқида республикада ҳали ҳал қилинмаган муаммоларга эътиборни қаратиш, халқ хўжалигининг, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданиятнинг барча соҳаларига илмий ечимлар жорий этилишини жадаллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш жуда муҳим эканлигини таъкидлади. Фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш, янги туркумлардаги техникани, юксак меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш интенсивлаштиришнинг бош воситаси бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда айтиб ўтилганидек, жамиятга келтириладиган фойда олимлар иши самарадорлигининг асосий мезонидир. Саноатни, қурилиш, қишлоқ хўжалигини, социал ва маънавий соҳаларни интенсив ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қоладиган фундаментал илмий натижаларга эришиш керак.

Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш борасидаги ишларни тубдан такомиллаштириш, турли ижодий коллективларнинг аниқ мақсад йўлидаги ҳамкорлигини ривожлантириш зарурлиги учрашувда қайд этиб ўтилди. Илмий ғояларни халқ хўжалиги практикасига жорий этиш кенг кўлам касб этиши лозим.

Республикада илмий кадрлар тайёрлаш муаммолари йиғилганларнинг диққат марказида бўлди. Мактабларда таълим беришнинг сифати пастлиги, мактаб билан олий ўқув юрти таълими ўртасида ҳосил бўлган узилиш тўғрисида ташвишланиб, гапирилди, бу эса педагогларнинг малакаси етарли эмаслиги билан чамбарчас боғланган. Республикада миллий мактаблар учун физикатехника ва табиат фанларидан ўқитувчилар, ўзбек тили ва бошқа тиллардаги яхши дарсликлар муттасил етишмаяпти. Мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлаш янги методикаси даркор, олий ўқув юртларининг педагоглари ҳам шундай методикага ғоят муҳтождирлар.

Академия институтлари истеъдодли ёшларни танлаб олиш масалаларига кам эътибор бераётганликлари таъкидлаб ўтилди. Илм-фан янги, навқирон кучлар мунтазам суратда қўшилиб туришига муҳтождир. Ҳар йилги қўшимча сайлов билан чекланиб қолмай, кўпгина иттифоқдош республикаларда амал қилинаётганидек, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси составига конкурс асосида сайлов ўтказиш тўғрисидаги таклиф олга сурилди.

Иқтисодчи олимлар, юристлар, файласуфлар регион экономикаси самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш алоқаларини, миллий муносабатларнинг турли жиҳатларини, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳимояланишини такомиллаштириш соҳасида қайта қуриш жараёнлари муаммоларини чуқур ўрганишлари зарур.

Республика олимлари реал фактлар асосида совет даври тарихини қайта идрок этиш, Ўзбекистон халқларининг маданий меросини сақлаб қолиш масалаларида ўз сўзларини айтишлари керак. Тарих ва маданият ёдгорликларининг кўп жилдли мажмуасини нашр этишни жадаллаштириш, ижтимоий фанларни, археология ва этнографияни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур.

Соғлиқни сақлашнинг ҳал этилмаган вазифаларига ва аввало, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишга жиддий эътибор бериш зарур. Олимлар республикадаги, шу жумладан Орол денгизи ҳавзасидаги экология вазиятини соғломлаштириш, меҳнат, табиат ресурслари ва моддий ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш учун кўп иш қилишлари лозим бўлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари О. М. Акрамхўжаев, А. А. Асқаров, А. Қ. Отахўжаев, К. С. Аҳмедов, Х. Н. Боймуҳамедов, С. К. Зиёдуллаев, К. А. Зуфаров, И. И. Искандаров, В. Қ. Қобулов, С. К. Камолов, К. И. Лапкин, И. К. Мусабоев, Ж. А. Мусаев, М. В. Муҳаммаджонов, М. Н. Набиев, Г. А. Пугаченкова, Ж. К. Саидов, М. С. Салоҳиддинов, Т. А. Саримсоқов, Х. Х. Усмонхўжаев, Ҳ. Ф. Фозилов, Ж. Х. Ҳамидов, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг академиги Ш. А. Акмалхонов Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари тўғрисида гапирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Б. Ф. Сатин иштирок этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Й. Иброҳимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЗАВОДДА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари билан, завод коллективининг режалари ва муаммолари билан танишди.

Механика-гальваник, йиғув, қуюв цехларида, пластмасса, резина-техника ва кулолчилик буюмлари цехида ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлар бўлиб ўтди. Пахта териш машиналарига талаб кескин камайганлиги муносабати билан вужудга келаётган бир қанча масалалар ўртага қўйилди. Иқтисодчилар терим машиналарига талабнинг камайиши вақтинчалик ҳол демоқдалар. Қишлоқ хўжалигини хўжалик ҳисоби ва ижарага ўтказиш бошланганлиги муносабати билан ҳозир деҳқонлар мавжуд техникани ремонт қилиш бирмунча фойдали, деб ҳисобламоқдалар, аммо машиналар паркини янгилаш вазифаси ҳам тез орада улар олдида кўндаланг бўлиб туради.

Шунинг учун машинасозларнинг қувватларни қисқартириши, ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириши ҳозирча мақсадга мувофиқ эмас. Қурилаётган 20 минг квадрат метрли янги бункерлар цехидан мураккаб рўзғор техникаси ишлаб чиқариш учун фойдаланиш нафлидир. Ижарачилар «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган машиналар нархи ғоят қимматлигидан шикоят қилаётганлигига келганда, қуйидагилар таъкидланди: баъзи қисмларнинг қимматлашуви техника мукаммаллашганлиги билан боғлиқ; металл нархи ошганлиги ҳам ноҳуш таъсир кўрсатди. Кўриниб турибдики, ижара машиналар ва подбор терадиган механизмлар сифати ва нархига янги талаблар қўйилмоқда, бу муаммо жиддий илмий таҳлилни талаб этади.

Суҳбат давомида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, «Ташсельмаш» эҳтиёт қисмларга нисбатан ўсиб бораётган талабга ўз вақтида жавоб берди — бир йилда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди ва бундан ҳам кўпайиб бораверади. Заводнинг йиллик фойдаси ҳатто ишлаб чиқариш қисқартирилган шароитда ҳам 3 миллион сўм кўпайди ва 17 миллион сўмга етди. Шунга қарамай иш ҳақи унчалик ошмади: коллектив ишлаб топган маблағнинг катта қисми давлат бюджетига ва тармоқ министрлигига тўлаш учун сарфланди. Металл қуювчи ишчилар ажратмалар нормаларни пул билан таъминлаш ҳажми доирасида Ленинакан ва Кироваканга доир комплекс программаларни 20 апрелгача тасдиқлашни топширди. Мазкур шаҳарларда ана шу программаларни тўла-тўкис амалга ошириш учун ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотлари тузилиб, уларга шу регионлардаги бош пудратчи вазифаси топширилди. Арманистон Госстройи Ленинаканда «Мармашен» катта турар жой районининг батафсил планлаштирилишини апрель ойидаёқ ишлаб чиқиб бўлиши, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бош бошқармаси эса Кумайранинг — мана шу қадимий шаҳар кўҳна марказининг архитектура қўриқхонасига доир асосларни бериши шарт.

«Армпромстройматериали» бирлашмасининг ортиб бораётган қурилиш ва тиклаш ишлари ҳажмларини қум, шағал билан таъминлашдаги камчиликлари қайд этиб ўтилди. Республика халқ контроли комитетига 15 апрелга қадар Октенберян бинокорлик материаллари ва буюмлари комбинатининг, «Артиктуф» бирлашмасининг биринчи кварталдаги ишини текшириш ҳамда унинг натижаларини комиссияга маълум қилиш топширилди. Кенгашда Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян қатнашди.

(ТАСС).

ўртага қўймоқдалар. Хўжалик ҳисоби фойданинг бошқарувчиларни таъминлаб туриш учун сарфланаётган қисмини сақлаб қолишга, ишда оперативликни оширишга имкон беради.

Корхона оладиган фойдани кўпайтиришнинг энг муҳим йўлларидан бири — халқ учун товарлар ишлаб чиқаришдир. Ўтган йили иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига 60 тийинлик товар ишлаб чиқарилди, келгуси йилда эса бу рақамни 80 тийинга етказиш мўлжалланмоқда. Миксерлар, бир марта фойдаланиладиган шприцлар ва бошқа медицина воситаларини биргаликда ишлаб чиқариш тўғрисида чет эл фирмалари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ишчилар бу йилги «Наврўз» алоҳида байрамона нишонланганлиги тўғрисида, ресурсларга ишнинг кўзини билиб муносабатда бўлишга мажбур этаётган хўжалик ҳисоби ҳақида, Иссиқкўлда заводнинг пансионати қурилаётганлиги, дастлабки маҳсулоти завод ошхоналарига юборилаётган қўрмкдаги чорвачилик совхози тўғрисида сўзлаб бердилар. Цехларда маиший шароит, умумий овқатланиш яхшиланмоқда. Завод шифохонасини қуришга эҳтиёж сезилмоқда. Бу ўринда шаҳарнинг ёрдами ниҳоятда зарур.

(ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВ ВИЗИТИНИ ЁРИТУВЧИ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МАТБУОТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

ЛОНДОН, 3 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Буюк Британияга расмий визитини ёритувчи журналистлар учун совет матбуот маркази очилди.

Британия ҳамда чет эл газеталари, ахборот агентликлари, радио ва телевидение-нинг бу ерга бириктирилган мингдан зиёд мухбири унинг хизматидан фойдаланади. Мухбирлар матбуот марказида визитнинг борыши тўғрисида ахборот олишлари, совет делегациясининг аъзолари ва уларга ҳамроҳлик қилувчи кишилар билан учрашишлари, СССРдаги ички сиёсий аҳвол ҳамда унинг ташқи сиёсати тўғрисида сиёсат ва жамоат арбобларининг фикрларини тинглашлари мумкин.

Бугун матбуот марказида «СССР сайловдан кейин. Демократиялаш муаммолари» мавзусига бағишланган биринчи матбуот конференцияси ўтказилди. Унда СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори Е. М. Примаков, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари уюшмаси президиумининг раиси В. В. Терешкова, СССР Фанлар академияси химиявий физика институтининг директори В. И. Гольданский, Украина ССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. И. Трефилов сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси М. С. Горбачевнинг Куба Республикасига расмий дўстона сафарини, унинг Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раиси Фидель Кастро билан музокараларини жаҳондаги оммавий ахборот воситалари кенг кўламда ёритмоқдалар.

Куба матбуоти Гавана аҳли Совет раҳбарини жуда самимий кутиб олганлиги тўғрисида батафсил ёзмоқда, М. С. Горбачевнинг республика пойтахтида бўлишига оид кўпдан-кўп фотосуратларни эълон қилмоқда.

«Лотин Америкаси М. С. Горбачевнинг Кубага ташрифини қутламоқда, бу ташриф тинчлик ишига ва халқаро ҳуқуқлилик ҳамда ҳар бир мамлакат танлаб олган тараққиёт йўлига ҳурматни мустаҳкамлашга қўшилган яна бир ҳиссадир», — деб ёзди Мексикада чиқадиган «Хорнада» газетаси ўзининг редакцион мақоласида. Антиль (Гайана) радиоси М. С. Горбачевнинг Кубага ташрифини тарихий ташриф, деб

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

атади ҳамда Совет раҳбари Лотин Америкаси муаммоларини батафсил муҳокама қилишга қарор қилганини «Совет раҳбари регионда содир бўлаётган жараёнларга жуда қизиқиб қараётганлигининг» белгиси, деб баҳолади. Уругвайда чиқадиган «Ора» газетаси Совет Иттифоқи билан Куба раҳбарлари ўртасидаги музокаралар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлади.

«Халқаро майдондаги ижобий ўзгаришлар, иккала мамлакатдаги ички жараёнлар Совет — Куба муносабатлари учун янги истиқболлар очади»,—деб ёзади Болгариянинг «Работническо дело» газетаси. Ғарбий Германиядаги ЦДФ телепрограмасининг мухбири «Куба пойтахтининг меҳнаткашлари М. С. Горбачевни самимият билан қутладилар, улар социализм мамлакатларида содир бўлаётган теран ўзгаришларни унинг номи билан боғламоқдалар» деб уқтирди.

(ТАСС, 4 апрель).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 31 март фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 330 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилди.

(ЎзТАГ).

ЧИГИТ ЭКИШ ҚИЗҒИН

Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхози деҳқонлари областда биринчилар қатори ерга барака уруғи қадашни бошладилар. Дастлабки куниёқ далаларга 12 та сеялка олиб чиқилди. Ҳар бир агрегат билан 10-12 гектар ерга чигит экилди. Амир Давронов, Алланазар Тоғаев, Орип Очилов, Жуманазар Мусаев каби механизаторлар илғорликни қўлдан бермаяптилар.

— Бугун-эрта сеялкалар сони 56 тага етади, — дейди совхоз директори Арслон Жабборов. — 3250 гектар майдонга узоғи билан 10 кунда чигит экишни якунлаймиз.

7350 тонналик катта хирмон барпо эиш учун курашаётган совхоз деҳқонлари дала ишларини кун сайин қизитиб бораяптилар.

И. РУСТАМОВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссиясида

ЛЕНИНАКАН, КИРОВАКАННИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Ленинакан билан Кироваканнинг яқин келажаги қандай бўлишини бугун кўриш мумкинми? Ҳа, қисман ҳозирдаёқ кўриш мумкин. Арманистондаги мана шу катта шаҳарларнинг келажаги, тақдири ва улардаги турмушнинг ўзи ҳақида бутун мамлакат ғамхўрлик қилмоқда-ку, ахир.

Ўтган давр мобайнида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Сейсмик жиҳатдан хатарли зонада қурилиш ишларини олиб бориш жаҳон тажрибаси чуқур, ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан кейин бош планлар тузилганлигини ҳам ана шу ишнинг натижаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу эса тиклаш ишларининг боришини кескин кучайтириш, кўпгина ғоят муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради.

3 апрель куни Ереванда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев ўтказган оператив кенгаши бўлди. Кенгаш Ленинакан ва Кироваканнинг яқин истиқболга мўлжалланган программасини кўриб чиқди.

Комиссия марказий районларни қайта тиклаш ва ана шу шаҳарларнинг янги микрорайонларини барпо этиш ишлари қандай бораётганлигини муфассал таҳлил этди. Арманистон Госстройи масъул ходимларининг, Ленинакан ва Кировакан ижроия комитетлари раисларининг, Украина, Белоруссия штаблари бошлиқларининг ахборотлари тингланди, улар ушбу масала хусусидаги ишларнинг аҳволини маълум қилдилар. Лойиҳа-смета ва планлаштиришга доир ҳужжатларни ишлаб чиқишда, инженерлик-геологик изланишларда, сейсмик хариталарни тузишда, уйжой фондлари ва жамоат биноларининг техник ҳолатини текшириб чиқишда муайян натижаларга эришилди. «Ереванпроект» институти бажарган Ленинакан бош планининг баъзи жиҳатлари олимлар, мутахассисларнинг баҳсларига сабаб бўлди. Жумладан, янги қурилиш қайси йўналишда ривожланиб бориши керак. Маҳаллий маъмурлар жануби-шарқий чеккада йўлдош шаҳар тарафдори бўлишса, архитекторлар бунга қарши чиқмоқдалар. Комиссия тузатишлар ва мулоҳазалар билан умуман меъморларнинг таклифини қабул қилди. Иттифоқ тармоқларининг раҳбарлари, шаҳар ҳокимияти органлари шаннга таниқдий гаплар айтилди. Бир қанча лойиҳа институтлари янги объектларга ва шикастланган биноларга тайёр ҳужжатларни бериш муддатларини барбод этдилар.

Кироваканда украиналик 12 минг бинокорни жойлаштириш учун шу пайтгача ҳам территория ажратиб берилмаган, ўша ерда Ереван — Кировакан темир йўли орқали транспорт масаласи ҳал қилинмаган, юқори босимли газ қувури, алоқа кабели ва электр линияси бошқа жойга кўчирилмаган, бу эса Кироваканда бир йўла тўртта турар жой массивини қуриш имконини бермаяпти.

Комиссия республика Министрлар Советига келгуси йилнинг охиригача мазкур ишларни пул билан таъминлаш ҳажми доирасида Ленинакан ва Кироваканга доир комплекс программаларни 20 апрелгача тасдиқлашни топширди. Мазкур шаҳарларда ана шу программаларни тўла-тўкис амалга ошириш учун ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотлари тузилиб, уларга шу регионлардаги бош пудратчи вазифаси топширилди. Арманистон Госстройи Ленинаканда «Мармашен» катта турар жой районининг батафсил планлаштирилишини апрель ойидаёқ ишлаб чиқиб бўлиши, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бош бошқармаси эса Кумайранинг — мана шу қадимий шаҳар кўҳна марказининг архитектура қўриқхонасига доир асосларни бериши шарт.

«Армпромстройматериали» бирлашмасининг ортиб бораётган қурилиш ва тиклаш ишлари ҳажмларини қум, шағал билан таъминлашдаги камчиликлари қайд этиб ўтилди. Республика халқ контроли комитетига 15 апрелга қадар Октенберян бинокорлик материаллари ва буюмлари комбинатининг, «Артиктуф» бирлашмасининг биринчи кварталдаги ишини текшириш ҳамда унинг натижаларини комиссияга маълум қилиш топширилди. Кенгашда Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян қатнашди.

(ТАСС).



ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ОЗУҚА

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Шеробод районидаги Нуриддин Муродов номли совхозда пахта монокультурасини қисқартиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу иш айниқса оилавий пудрат асосида ишлаётган коллективларда яхши натижа бераётир. Чунончи, Отамурод Тўхтаев бошлиқ оилавий звено ўз қарамоғидаги пахта далаларини деярлик ярмига қисқартирди. Тажрибакор деҳқонлар пахтадан бошқа лавлаги, маккажўхори ва бошқа экинлар экмоқдалар.

Шунинг қувончлиги, звено аъзолари етиштираётган «оқ олтин» ҳосили ҳар йилдагидан сира камаймаяпти. Масалан, ўтган йили мазкур звено 44 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пахтадан энг юқори ҳосил олишга муяссар бўлди.

Суратда: Отамурод Тўхтаев бошлиқ оилавий звено даласида.

И. ХУЖАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

• ФАОЛЛИК ОШМОҚДА

Яқинда Самарқанд область халқ контролининг Пахтачи районида кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Унда Самарқанд область, шаҳар ва район халқ контроли комитетлари раислари ҳамда инспекторлари қатнашдилар. Семинар иштирокчилари ҳузурида иқтисод фанлари доктори, Самарқанд давлат университетининг профессори К. Саидов «Халқ хўжалиги экономикасини қайта қуришда халқ назоратчиларининг вазифалари» мавзуида лекция ўқиди. Область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари Э. Маматқулов ва инспекторлари А. Доутов, И. Скрипко халқ назоратчилари олдида турган долзарб вазифаларга тўхталдилар.

Шунингдек, семинар қатнашчилари райондаги «Коммунизм» колхози бош агрономи Н. Муҳаммадиев раислик қилаётган халқ контроли группаси тўплаган тажриба билан танишдилар.

Б. ШАМСИЕВ,
«Пахтачи» район газетаси муҳаррири ўринбосари.

• ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ— ОММАГА

Москва район партия комитети жойларда меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувини ташкил қилиш, уни давр руҳи асосида қайта қуришга алоҳида эътибор бермоқда. Пропагандистларни ўқув программалари, методик ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш партия ташкилотларининг диққат марказида бўлаётир. Бу эса пропагандист ва лекторларнинг ўзларига топширилган вазифага масъулият билан ёндашишларини тақозо этмоқда.

Йил бошидан эътиборан агросаноат комплексидаги меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқувига ҳам жиддий аҳамият бериляпти. Ўқув уч бўлим асосида олиб борилмоқда. Биринчи бўлимда «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материаллари», иккинчи бўлимда «Ижара пудрати назарияси», учинчи бўлимда эса «Колхозда хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқариш» темалари ўрганиляпти. Механизатор, колхозчи ва чорвадорларнинг иқтисодий ўқув машғулотлари мана шу бўлимларда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Қ. ҲАЙДАРОВ.

Баракали меҳнат самараси

Хива гиламчилик комбинати республикамизнинг йирик енгил саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар Ўзбекистон аҳолисини эмас, балки Иттифоқимизнинг бошқа жойларидаги буюртмачиларнинг ҳам эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Корхонада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш борасида анчагина тадбирлар амалга оширилаётир. Ҳар ой сари 200 минг кубометр ҳажмда гилам ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хили йилига 40—45 процент янгиланмоқда.

Юқоридаги суратда: комбинатнинг илғор ишчиларидан Зебо Камолова.

Аму-Занг насос станцияси иккинчи навбатининг сўнгги икки агрегатини монтаж қилиш тугалланди. «Джаркурганирстрой» трести коллективи шу ойда икки насосни ишга туширишга ахд қилган. Ҳозир бу соҳадаги ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Пастдаги суратда: Аму-Занг насос станциясининг кўриниши.

В. МОЛГАЧЕВ ва И. ХУЖАЕВ фотолари (ЎзТАГ).

АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Беш иттифоқдош республика алоқа министрлари учрашувининг тафсилотлари

Учрашувда гап кўп миллатли регион аҳолиси алоқаларини яхшилашда алоқачиларнинг қўшадиган ҳиссаси ҳақида борди. Кутилмаганда суҳбатга телевидение журналисти аралашди:

— Хизматингиздан фойдаланадиган киши — яъни халқ номидан сўраяпман, Сиз миллатлараро муносабатлар масалаларини муҳокама қилиш учун тўпландингиз, лекин соф экономика ҳақида сўз юритяпсиз. Биргаликдаги ҳужжатга қўл қўймоқдасиз. Халқ эса: яна кенгаш, яна ваъда, ўзгариш қачон бўлади, демоқда.

— Биз ваъда бериш учун эмас, балки аниқ режаларни тузиб олиш учун тўпландик, — деб эътироз билдиришди министрлар. — Ўз миллий давлат-территориал тузилмаларидан ташқарида яшаётган ёки бундай тузилмаларга эга бўлмаган кишиларга она тилларида радио эшитиш, телевизор кўриш, газета ўқиш имконини бериш, республикалар чегаралари орқали телефон ва почта алоқасини осонлаштириш лозим. Ҳа, бу биз амалга оширишимиз керак бўлган техникавий вазифалар. Лекин алоқага сарфланаётган ҳар бир сўм халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Энди сўзни учрашув қатнашчиларига берамиз.

Ўзбекистон алоқа министри **К. Р. Раҳимов** (айтмоқчи, Ўзбекистон ана шу учрашувнинг ташаббускори бўлди):

— Тошкент ва Сирдарё областларида Қозоғистон телевидениесининг, Қорақалпоғистон АССР ва Бухоро областида Туркманистон телевидениесининг, Андижонда Қирғизистон телевидениесининг программалари доимий равишда олиб кўрсатилмоқда. Тожикистон телевидениеси программаларини Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарларида трансляция қилиш йўлга қўйилган. Республикамиз телепрограммалари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон пойтахтларида кўрсатилмоқда.

Ёмон томони шундаки, Ўзбекистон телефонлаштириш соҳасида Туркманистон ва Қирғизистон сингари Иттифоқимиздаги ўртача даражадан икки баравар орқада қолмоқда. Тожикистонда ишлар бундан ҳам ёмон. Яна бир нарсани айтиб ўтай: республикага яна бир телевизион канал бериш учун ретрансляторлар қуриш керак: Бунга ўн йил кетади ва 50 миллион сўм пул керак бўлади...

Ҳужжатда йўлдош системаси станцияларини биргаликда лойиҳалаш ва қуришни ҳам режалаштирдилар.

— Бу система бутун регионга керак, — деди Тожикистон алоқа министри **Д. Попов**. — Айниқса бизга зарур. Тоғли районларда марказий телевидениени кўришади, лекин унинг қувватларидан фойдалана олмаймиз. Автоном республика шаҳарларида 12 мингта бўш телефон номерлари бор!

Бунинг иложи бор: Ўзбекистон Алоқа министрлиги шу кабелни ишлаб чиқарувчи «Ташкенткабель» заводига бевосита мурожаат этди. У реконструкция ишларига 2 миллион сўм қарз бермоқда, корхонанинг пландан ташқари ишлаб чиқарган маҳсулотини олишни мўлжалламоқдамиз.

Бу муаммони ҳал этишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Республика меҳмонлари муаммони бартараф этишга ёрдам берадиган мана шундай йўллардан бири билан заводда танишишди. Бу завод толали оптик кабель ишлаб чиқаради. Бу кебалнинг имкониятлари анча катта. Тошкентда толали оптик алоқа тажриба тариқасида ишлаб турибди. Жуда яхши натижаларга эришилмоқда. Яна бир янгилик — электрон автомат телефон станцияси бу йил қурила бошлайди. Станция одатдагиларига қараганда кучлироқ ва ихчамроқ бўлиб, бошқа бир қанча афзалликларга эга.

— Қозоғистонликлар ҳозирданоқ кўпгина янгиликларга асосан оляпмиз. Ахир у ердаги ва биздаги масофаларни қиёслаб бўладими? Модомики, Орол муаммолари ҳақида гапирар эканмиз, сизот сувларининг юзага чиқишини, тупроқнинг шўрланишини ҳисобга олишимиз зарур. Бундай шароитда кабель жуда тез ишдан чиқади. Автомат телефон станцияларини фойдаланишга топширамизу, лекин унинг қувватларидан фойдалана олмаймиз. Автоном республика шаҳарларида 12 мингта бўш телефон номерлари бор!

— Ҳозирги кунда ер ости алоқа тармоқлари бўйича ишлаётган мутахассислар ўртасида ер ости алоқа тармоқлари ва ер ости ишлари бўйича ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Ер ости ишлари ва ер ости алоқа тармоқлари ҳақидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим

• *Атроф-муҳит муҳофазаси—барчага дахлдор*

МУВОЗАНАТ

3. Ҳавони ким булғаяпти?

Тандирдан чиққан қайноқ нонни ариқдан жилдираб оқаётган сувга ботириб-ботириб еганмисиз? Соф ҳаводан энтикиб, тўйиб нафас олганмисиз? Қандай маза! Жиззахда эса бундай қилиб бўлмайди. Машинани ташқарига бир неча соатга қўйсангиз, усти оқ ғуборга қопланади. Ойнага қўл текказсангиз изи қолади. Ариқлардаги сувни эса асло ича кўрманг, касалга чалинасиз. Жиззахдек мўъжаз шаҳарда ҳам табиат ва инсоннинг кушандаси — чанг бунчалар кўп эканлигини билмаган эдик.

— Аҳлимизни таниганимиздан бери оҳак заводининг чангидан азобланамиз, — деди область раҳбарларидан бири, шамол турган пайтда ташқарига кир ёйсангиз ранги ўчади. Нафас олсангиз бўғилиб, тўхтовсиз йўталасиз.

Оҳак заводи—яъни 2-қурилиш материаллари комбинати асосан оҳак, оҳактошлар, мармар ишлаб чиқаради. Аҳоли яшайдиган уй-жойлар билан бундай корхоналар оралиғида ярим километр иҳота зонаси бўлиши керак. Бу ерда эса улар бирбирига туташиб кетган. Корхонада оҳак тошларни майдалаш технологиясидаги қўпол нуқсонлар оқибатида чанг-тўзон нормаси ишчи зонасида 35 марта, аҳоли яшайдиган масканларда гоҳида 278 баробар кўп бўлаяпти. Ишлаб чиқариш корпусларида йиғилган чанг қатламлари 30 сантиметрга етади.

Комбинат корпусларидан 200 метр наридаги бўш карьерга олтмиш йилдирки, ишлаб чиқариш жараёнида тўпланган чанг чиқариб ташланмоқда. Шамол турган пайтда оҳакнинг бу ғуборлари осмону фалакка чиқиб, шаҳар узра оқаяпти. Оқибатда, Жиззахда, айниқса комбинатга туташ посёлкада яшовчилар ўртасида турли нафас органлари касалликлари кўпаймоқда. Посёлка билан шаҳарнинг бошқа тарафида жойлашган микрорайон ўртасида содир бўлган касалликлар ўрганиб чиқилди. Посёлкада ҳар ўн минг кишидан 420 нафари нафас олиш йўлларининг ўткир сурункали касаллигига чалинган, микрорайонда эса бундай беморлар йўқ. Комбинат яқинида яшовчилар бошқа жойларда истиқомат қилувчиларга қараганда юрак-қон томир касалликларига уч марта, аллергик касалликларга олти марта кўп чалинишган.

Оҳак чанги чиқадиган жойда яшовчи болалар текширилганида ҳам улар шаҳарнинг бошқа қисмларидаги тенгдошларига нисбатан турли касалликларга кўпроқ чалинганликлари аниқланди. Область санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан корхонада бўлиб, унинг раҳбарларига юқоридаги рақамларни айтганимизда унча ишонқирашмади. Бош инженер вазифасини бажарувчи киши эса истеҳзо билан шундай деди:

— Бу ерда 25 йилдан бери ишлайман. Бирор ерим оғриганини билмайман.

Балки шундайдир. Бироқ, ана шундай баъзи раҳбарлар ўз саломатликларинигина ўйлаб иш кўрганликлари, лоқайдликлари, ортиқча ташвишлардан ўзларини олиб қочишга уринишлари оқибатида юртимизда ҳозирги экологик танглик юзага келди. Мазкур корхона шаҳарнинг неча минглаб аҳолиси саломатлигига хавф солаётганлиги, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсига аста-секин қирон келтираётгани ҳақида фақат сўнгги пайтлардагина гапира бошладик. Комбинатдаги аҳвол ва уни бартараф этиш муаммолари бир қатор йиғинларда тилга олинса-да, натижа бўлмаяпти.

Собиқ республика бинокорлик материаллари саноати министри, республика санитария-эпидемиология станцияси бош врачи ўринбосари ва бошқа бир қатор назоратчи ҳамда қурувчи ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирокида бу масалага қайтилди. Унда 1987 йил декабрида комбинат территориясида атроф-муҳит муҳофазасига доир министрликда тузилган тадбирларнинг асосий қисми амалга ошмаганлиги танқид қилинди. Министрлик шошилинч чора кўришга ваъда берди. Аммо унинг бажарилиши қониқарли эмас.

Комбинатда оҳактошларни майдалаш жараёнларида ҳосил бўлаётган чанг-тўзонни ташқарига чиқармаслик учун электр фильтрлар ўрнатиш ҳақида ҳам кўп вақтдан бўён гап боряпти. Аммо гапдан ишга ўтилмаяпти.

— Ниҳоят, «Узстройремонт» бирлашмаси дастлабки фильтрни ўрнатиш учун жой ҳозирлашга киришди, — дейди комбинат директорининг қурилиш бўйича ўринбосари Ҳамид Алимов, — У ишга тушгач, чиқинди гардлар асосан чанг тутқич камераларида тиндирилади. Кейинчалик яна бир фильтр ўрнатамиз. У жуда самаранига оҳак кукунини ишлатиш мумкинлигини исботлашди. Шунингдек, паррандачилик фабрикалари ҳам оҳак чангига харидор бўлишяпти.

Ҳарқалай, бундай корхонанинг шаҳар ёнида бўлиши кишилар саломатлиги учун хавфли. Шу сабабли комбинат хом ашё оладиган Жиззахдан 40 километр масофадаги Фориш районининг Кўтарма деган жойига янги корхона қуриш мўлжалланмоқда. У йилига ҳозиргига қараганда икки баробар кўп — 260 минг тонна оҳак, 2,5 миллион тонна оҳактош ишлаб чиқаради. Қурилишга 24 миллион сўм маблағ сарфланиши керак. Демак, уни ҳали-бери битказишлари қийин. Мутахассислар комбинат атроф-муҳитга варар етказмайди, дейишяпти. Ҳозир қурилиш-монтаж ишлари лойиҳаси тайёрланмоқда. Бироқ маблағ ажратиш масаласи ҳал этилмаган. Минглаб кишилар саломатлигига раҳна солаётган комбинатнинг электр фильтрлари қурилишини тезроқ тугаллаш, шу билан бирга уни бехавотир жойга кўчириш масаласини ҳал этишни тезлаштириш зарур.

Сирдарё область аҳолини иш билан таъминлаш маркази бошлиғи номига шу йилнинг 25 январида Жиззах пахта тозалаш заводининг «Москва» колхози территориясидаги цехи бошлиғидан хат келди. Унда область санитария-эпидемиология станцияси цехни 1 мартдан ёпаётганлиги муносабати билан ишчи ва хизматчиларни иш билан таъминлашга ёрдам берилиши илтимос қилинган эди. Бу воқеа умуман содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Медицина ходимлари 1982 йил май ойида область партия комитети ва пахта тозалаш саноати корхоналарининг ўша пайтдаги бошлиқларига хат йўллаб, мактаб ва аҳоли яшайдиган жойда пахтани қайта ишлайдиган цех қуриш мумкин эмаслигини таъкидлаб, объектни дарҳол тўхтатишни маслаҳат беришган эди. Бироқ медицина ходимларининг илтимослари, ҳатто пахтани қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чанг-тўзон оқибатида кишиларда сурункали ўпка шамоллаш касалликлари пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақидаги далиллари ҳам саноатчиларга кор қилмади.

Пахта тозалаш заводи раҳбарлари санитария врачларининг сўзлари мағзини чақишларига етти йил муддат керак бўлди. Шу йиллар мобайнида Ломоносов номли 21-ўрта мактабдан 40 метр нарироқда, аҳоли зич яшайдиган жойларда қад ростлаган цех ишлайверди. Цех ҳосил қилаётган чанг-тўзон иш жойида нормаларда белгиланганидан 24,5 баробар, мактаб территориясида 236 баробар кўп экан.

— Цехнинг ёпилиши баъзи ишчиларнинг норозилигига сабаб бўлди, — дейди область санитария-эпидемиология станцияси бош врачининг ўринбосари Абдураҳмон Эрмаматов. — Улар аввалига фарзандлари саломатлигини ўйлашмади. Балки ўрганиб қолган иш жойларидан айрилаётганликларидан хафа бўлишди. Уларга энг катта бойликлари — болаларининг саломатлигини муҳофаза қилаётганимизни обдон тушунтирганимиздан сўнг, биз тутган йўлнинг тўғрилигини тан олишди.

Мурғак болаларнинг кўп йилдан буён ифлосланган ҳаводан нафас олишига йўл қўйилганига ким жавоб беради?

Кейинги йилларда Жиззахда сариқ касаллиги авж олди. Фақат шунинг ўзидан ўтган йили давлатга икки миллион сўм зарар етди. Юқумли касалликларнинг кўпайишига аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланмаётгани, қатор корхона ва ташкилотлар атроф-муҳитни ифлослаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Айрим қишлоқларда фақат шу кунимизнигина ўйлаб, келажакка лоқайд қараяпмиз. Бефарқлигимиз оқибати фожеаларга олиб келишини унутяпмиз.

Экологик ташвишларнинг кўпи санитария пропагандасига эътиборнинг йўқлигидан ҳам келиб чиқяпти. Қайта қуриш, ошкоралик даври ижтимоий ҳаётдаги бурчимиз, масъулиятимиз билан бирга, саломатлигимиз ҳамда табиат муҳофазаси нималарга боғлиқ эканлигини билишимиз ва бу борада амалий ҳаракатлар зарурлигини ҳам тақозо этади.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

• *Ташвишли сигнал*



ИМИЛЛАШ

Самарқанд давлат университети физика химияси ва химия технологияси кафедраси олимлари ишлаб чиққан ечилмалар халқ хўжалигига жорий этилса, улар юз минглаб сўм иқтисодий фойда келтирган бўлур эди. Бундан бирнеча йил (!) муқаддам бу ерда махсус ишлаб чиқилган технология асосида асфальт-бетон чидамлилик муддатини оширувчи қўшимча компонент олинди. Айни пайтда яхмалакка қарши тез таъсир этувчи препарат, пишиқ-пухта ялтироқ бўёқлар, замонавий интерьерлар учун манзарали безак намуналари, анча енгил, бироқ мустаҳкам ғиштлар ҳамда деворбоп панеллар, бошқа хил бинокорлик материаллари ҳосил қилинди.

Самарқанд химия заводининг чиқиндиси — фосфогипс мана шундай хилма-хил бинокорлик материаллари учун хом ашё бўла олади. Шунингдек, олимлар бошқа саноат корхоналарининг чиқитларидан ҳам фойдаланишмоқда.

Самарқанд шаҳар ремонт-қурилиш трести ҳамда асфальт-бетон заводи олимларининг чизмалари асосида фосфогипсдан боғловчи минерал модда тайёрловчи эритиш-қайнатиш печини қуришди. Аммо у шу пайтгача фойдаланишга топширилмаган. Аввал газ қувурини узиб қўйишди. Ускуналарни ўрнатилган жойдан олиб ташлашди. Самарқанд давлат университети профессори, химия фанлари доктори Т. Ҳамроқуловнинг бу печни университет химия факультети қошидаги «Химанализ» кооперативига топшириш ҳақидаги таклифини шаҳар маъмурлари қўллаб-қувватлашмади. Шунинг оқибатида олимлар меҳнатининг натижалари халқ хўжалигида жорий этилмасдан қолмоқда. Имиллаш ҳам эви билан-да.

Суратларда: (юқорида) ечилма муаллифларидан бири, лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Р. Қутбиддинов ва инженер-химик Ш. Ашурова (пастда) эритиш-қайнатиш печининг «омон қолган» механизмлари.

Р. ҒАФУРОВ фотолари (ЎзТАГ).

✦ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

ВЕТЕРАН ИШЧИЛАР

Ёш ишчиларни касбга ўргатган, бир корхонада 30-35 йил унумли хизмат қилган меҳнат ветеранлари Ғиждувон пахта тозалаш заводида кўпчиликни ташкил этади. Яқинда заводнинг ҳашаматли клубида ёш ишчиларнинг меҳрибон мураббийларидан 36 нафарини тантанали равишда пенсияга узатиш кечаси бўлди.

Ҳозирги кунда заводнинг тўққизта ишлаб чиқариш бригадасида, цех ҳамда участкаларида 114 нафар меҳнат ветерани ёш ишчиларга устозлик қиляпти.

Т. МАҚСУДОВ,
ишчи.

ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Шу йил 3 апрель куни кечқурун Тошкент шаҳридаги Чилонзор район ички ишлар бўлимининг идорадан ташқари соқчилик бўлими марказий пультида лампочка дам-бадам ўчиб-ёна бошлади. Безовтали хабар биринчи кварталдан олинаётган бўлиб, бу ердаги 21-уйнинг 36-квартираси кўча эшиги ким томонидандир очиб кирилган эди. Зудлик билан милиция ходимлари Баҳодир Эгамбердиев, Олим Султонов ва Баҳром Пўлатовлардан иборат оператив группа ана шу уйга қараб йўл олди. Улар тушган автомашина тегишли подъездга етиб бориши билан ундан бир эркак киши чопиб чиқиб, қоча бошлади. Баҳром Пўлатов унинг кетидан қувиб кетди. Йўл-йўлакай ёнидан тўппонча чиқариб осмонга ўқ узди. Қоида шуни тақозо этарди, қувиб борилаётган киши жиноятчи эканлиги аниқ бўлса ҳам огоҳлантирмай туриб отиш мумкин эмасди.

Пўлатов «тўхта» деб бақирди. Аммо, номаълум киши кескин тўхтаб орқага ўгирилдида, ўзидан бир қадам нарида келаётган милиционерга пичоқ урди. Чопиб келаётган Б. Эгамбердиев ва О. Султоновлар ҳам шоша-пиша биринчи ўқни осмонга отишди. Шундай ён томонда болалар боғчаси бўлиб, унинг ҳовлисида кичкинтойлар ўйнаб юришган эди. Таъқиб қилинаётган жиноятчининг олд томонида тўполон туфайли уйларидан чопиб чиққан аёллар кўринарди.

Илгари судланган В. Иванов икки милиция ходими етиб келгунча Пўлатовга яна икки марта пичоқ уришга улгурди. Яралланган милиция ходимини эҳтиёткорлик билан республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг биринчи касалхонасига олиб боришди. Касалхонанинг реанимация бўлимида унинг ҳаёти учун кураш тўрт соат давом этди. Беморга қуйиш учун қон сўралганда операция хонаси яқинида навбатчилик қилаётган унинг ҳамкасблари зудлик билан ўз қонларини тавсия этдилар. Қон берган милиция ходимлари орасида руслар ҳам, ўзбеклар, татарлар ҳам бор эди.

Қўлга олинган жиноятчи В. Иванов ўғрилик ва босқинчилик қилгани учун 1984 йилда ҳам қамалиб, 1987 йилда озодликка чиқарилган киши бўлиб чиқди. Кейинги вақтда Тошкент шаҳридаги «Релеавтоматика» заводида ишлаётган бу шахс ҳозир тергов қилинмоқда. У қилмишига яраша жазоланади.

В. САФУИЛОВ,
республика Ички ишлар министрлиги матбуот группаси ходими, милиция майори.

• *ДОЛЗАРБ МАСАЛА*

ШАРОИТ БАҲОНА БЎЛМАСА...

КПСС Марказий Комитетининг аграр сиёсат масалаларига бағишлаб яқинда ўтказилган Пленумида қишлоқда иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Мамлакатимизда қайта қуриш тобора авж олиб, ўз имкониятларини кенгайтирмоқда ва бу имкониятлар ҳозирнинг ўзидаёқ намоён бўляпти ҳамда совет жамиятининг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Янгиланиш жараёни узвий тарзда иқтисодий ва снёсий ислоҳотни қамраб олди, эндиликда аграр муносабатлар ислоҳотини ҳам ўз ичига олмоқда.

Ҳозирги пайтда янгича социал-иқтисодий муносабатларни шакллантиришдаги энг муҳим вазифалардан бири — озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш борасида бирмунча силжишга эришилди. Шу билан бир қаторда пахтачиликдаги кўп йиллардан бери ҳукм суриб келаётган муаммоларни ҳам ҳал этиш зарурияти туғилди. Республикамизда пахта монокультурасига барҳам бериш — долзарб масала бўлиб қолди.

Айни пайтда она ер билан «ҳосил берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан» қабилида «тилл а ш и ш» эмас, балки ер қувватини қайта т и к л а ш ҳақида фикр юритиш керак. Фақат бугунги эмас, эртани ҳам ўйлайлик. Бу муаммони ҳал этишда тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклаш ва уни муҳофаза қилиш ўзаро узвий боғлиқ эканлигини унутмаслик муҳимдир.

Баъзилар ҳозир «Монокультура балосидан қутулиш қийин бўлиб қолди», деган гапларни тез-тез такрорлашмоқда. Худди шундай гаплар вақтли матбуот, радио ва телевидение орқали ҳам айтиляпти. Ростдан ҳам монокультура енгиб бўлмас «офатми»? Аслида у «Йиллик пахта тайёрлаш планини бажара олмай қоламан» деган ишончсизлик туфайли иложи борича кўпроқ майдонга чигит экувчиларга юқкан «дард»дан ўзга нарса эмас.

Турғунлик йилларидан қолган бундай «дард»га мубтало бўлганлар ўрнига келган янги кадрлар, айниқса ўрта звено раҳбарлари ҳам «белгиланган планни бажара олмай қолсам маломатга қоламан» деган фикрда гектарларнинг қисқартирилишини унча хушламаяпти. Уларнинг фикрича, уч йиллик бедадан кейин ернинг унумдорлиги кескин кўтарилмайди. Фақат ҳосилдорлик 7-8 центнер ортиши мумкин, холос. Лекин масала улар ўйлаганчалик жўн эмас. Худди ана шуни чуқур тушуниб етмаслик «монокультура»га олиб келди.

Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Фараз қилайлик, бир хўжалик ўртача гектар бошига 27 центнердан ҳосил олмоқда. Чигит экиладиган майдонлар 1200 гектар. Демак, йиллик пахта тайёрлаш плани 3 минг 240 тонна. Айтайлик, бу йил планга қўшимча, 100 тонна кўпроқ пахта тайёрлаш белгиланди. Энди гектаридан 27 ўрнига 27,84 центнердан ҳосил ундириш керак. Ўтган йил планни аранг, амал-тақал ўддалаган бу хўжалик алмашлаб экиш учун белгиланган 200 гектарни ажратиб ташлаб, 1000 гектар майдонга чигит экиши мумкинми? Ўз хоҳиши билан экмаслиги аниқ. Чунки ўтган йилги план қисқармаган, балки 100 тоннага ортган. Бунинг устига ерлар камқувват бўлиб қолган. Дарвоқе, бу йил бедадан бўшаган 100 гектар майдон ҳам бор, демак жами 1100 гектар ерга чигит экилади. Бари бир ўтган йилга нисбатан 100 гектар майдон кам.

Албатта бундай ҳолатда хўжалик ўтган йилги миқдорга яқин бўлган ерга чигит экишга ҳаракат қилиши, табиий. Натижада алмашлаб экиш ва бошқа экинлар учун ажратилган ерларнинг бир қисмига ҳам чигит экилади. Бу — ёрдан фойдаланишнинг илмий асосларини билмаслик оқибати, она ерга нисбатан шафқатсизларча муносабатдан ўзга нарса эмас. Содда қилиб айтганда, ер билан «тиллаша» билмасликдир.

Ер билан «тиллашиш» деганда нима тушунилади? Бунда аввало ернинг ҳолати синчиклаб ўрганилиши лозим. Деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларнинг тупроғини агрохимик анализлар йўли билан табиий унумдорлиги ўрганилади. Табиий унумдорлик даражасига қараб талаб қилинган минерал ва маҳаллий ўғитлар миқдори ҳамда уларнинг нисбатлари аниқланади.

Ер бирлигидан олинадиган ҳосил кимларнингдир хоҳиш-истаги бўйича эмас, балки тупроқнинг табиий унумдорлигига боғлиқ эканлигини кўпчилик яхши билади. Шундай бўлса-да, осонини кўзлашади. Яъни ҳосил тақдири ўғитга боғлиқ, қабилида иш тутиб, ерга иложи борича кўпроқ ўғит солишга ҳаракат қилишади. Шуни эсда тутиш керакки, тупроқнинг табиий унумдорлигига нисбатан аниқланган оптимал нормадагидан кўра ортиқча ишлатилган минерал ўғит ҳосилни сира кўпайтирмайди, балки ғўзани ғовлатиб, олиниши мумкин бўлган ҳосилнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Ўртада ернинг толиққани-ю, сарф-харажатнинг кўпайгани қолади.

Шунинг учун ҳозирги шароитда ерларни соғломлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш деҳқонларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, тонналаб ҳосил олишни билган миришкорлар ер қувватига қувват қўша оладиган органик моддаларни тонналаб бериш кераклигини унутмасликлари даркор. Ерга органик ўғитлар қанча кўп солинса — ҳосил ҳам шунга яраша мўл бўлади. Айни вақтда, агар минерал ўғитлар тупроқнинг табиий унумдорлигини қатъий ҳисобга олмаган ҳолда ишлатилса, ер касалланиб, ҳосилдорлик кескин камайиб кетади. Содда қилиб айтганда, таомга солинган туз нормад бўлса кишига лаззат бағишлайди. Минерал ўғитлар ҳам худди шундай.

Афсуски, сўнгги ўн йиллар мобайнида тонналар кетидан қувиш натижасида алмашлаб экиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиш бутунлай изидан чиқди. Олинган ҳосил ҳисобига тупроқдаги камайган чиринди запасини муттасил тўлдириб бориш учун ерга компост, маҳаллий ўғитлар, эски деворларнинг тупроқларини солишга жуда кам эътибор берилди. Алмашлаб экиш фақат қуруқ сўздангина иборат бўлиб қолди. Агар алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилганида эди, еримиз бошига тушган монокультура «балоси» пахтачилигимизга жиддий хавф солмаган бўларди. Тупроқ унумдорлигини ошириш чораларидан яна бири — оралиқ экинлар экишни тўғри ташкил этишдир. Ерга экин озуқага ўриб олинмайди, балки яшил ўғит сифатида, чигит экишдан олдин ҳайдаб юборилади. Шундай қилинса майдонларнинг ҳосилдорлиги 3—5 центнер ортади.

Фараз қилайлик, ернинг табиий унумдорлиги 13 центнер бўлган майдонга оралиқ экин, масалан, нўхат экилган бўлсин. Агар у яшил ўғит сифатида ҳайдаб юборилса, табиий унумдорлик 5 центнер кўтарилади. Бу планлаштириладиган ҳосилнинг дастлабки негизи бўлиб, гектар бошига олинадиган ялпи ҳосилнинг 40 процентини ташкил этади. Бунинг устига яна 60 процент ҳосил қўшувчи бошқа омилларни ишга солиш, яъни қўшимча равишда 27 центнер пахта берувчи табиий ресурслар, жумладан минерал ва маҳаллий ўғитлар ишга солинади. Натижада гектар бошига 45 центнер ҳосилни тупроқнинг табиий ҳолатини тўла сақлаган ҳолда олиш мумкин. Бунда минерал ўғитлар ҳисобига етиштириладиган ҳосил ялпи ҳосилнинг 30—35 процентидан ортмаслиги шарт қилиб олинади.

Олдин мисол қилиб келтирилган хўжалик эскитдан чигит экилиб келинаётган ерларнинг ҳеч бўлмаса 500 гектарига оралиқ экин эккан бўлса, ўша майдонларнинг табиий унумдорлиги ва оптимал миқдордаги минерал ва органик ўғитлар ҳисобига ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга кўтариш мумкин. Уч йиллик бедапоядан бўшаган ерлар оптимал ҳолатдаги минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ишланса, албатта 50 центнердан кам ҳосил бермайди. Демак, оддий ҳисоб-китобларга суянадиган бўлсак, 500 гектар майдондан 2 минг тонна, 100 гектарлик бедадан бўшаган майдондан 500 тонна, яъни 600 гектар ердан 2,5 минг тонна пахта олиш мумкин. Йиллик пахта планига кўра яна 840 тонна ҳосил етиштириш учун эски 311 гектар ерга чигит экиш керак бўлади.

Демак, белгиланган йиллик планни бажариш учун 911 гектар ер кифоя. Шундай қилиб, илгариги 200 гектардан ташқари яна 189 гектар майдонни монокультура «чангалидан» қутқариш ва бу ерларга озиқ-овқат экинлари экиш мумкин. Бунинг учун юқорида таъкидлаганимдек, оқилона иш юритиш керак, холос.

Кўпчилик ҳолларда тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳисобга олинмай туриб, деҳқончилик қилишдек салбий ҳодисалар ҳам учраб туради. Бунга асосий сабаб тупроқ «қуввати»га қарамасдан йиллик план белгиланишидир. Масалан, Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозини олиб кўрайлик. Бу колхозда пахта майдонларининг табиий унумдорлиги 8,8 центнер бўлгани ҳолда, гектарига 358 килограмм минерал ўғит, жумладан 204 килограмм азот, 87 килограмм фосфор ва 67 килограмм калий ишлатиб, 1985-1987 йилларда гектаридан ўртача 27,19 центнердан пахта олинган. Аслида эса, гектарига 132,3 килограмм ўғит, жумладан: — 110 килограмм азот, 13,3 килограмм фосфор ва 9 килограмм калий солиб, 22 центнердан ҳосил олиш мумкин эди. Шундай қилиб, ернинг ҳолатига нисбатан гектарига 94 килограмм азот, 73,7 килограмм фосфор ва 58 килограмм калий, жами 225,7 килограмм ортиқча минерал ўғит ишлатиш эвазига 5,19 центнер «юқори» ҳосил етиштиришга эришган. Натижада бебаҳо бойлигимиз бўлган ернинг табиий унумдорлигига путур етиб, тупроқ касалланган. Энди уни ўз ҳолига қайтариш учун анчагина маблағ керак бўлади.

Хўжалик алмашлаб экишни биз юқорида айтгандек йўлга қўйганида гектаридан 42 центнердан ҳосил кўтариши мумкин эди. Бу ўринда ўғитлар нормаси монокультурага нисбатан гектар ҳисобига 47 килограмм камроқ талаб этиларди. Шунда колхоз 1985—1987 йиллар мобайнида йилига ўртача 1,9 минг тонна ўрнига қарийб 3 минг тоннадан ҳосил оларди.

Сўнгги пайтда айрим мутахассислар ҳамда ижодкорлар юзага келган қийин шароитни баҳона қилиб, пахта етиштиришни катта миқдорда камайтиришни талаб қилмоқдалар. Бу унчалик тўғри эмас. Экин майдонларидан оқилона фойдаланилса, пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига ялпи пахта миқдорини ҳам камайтирмасдан алмашлаб экишни кенг йўлга қўйиш ҳамда халқимиз учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини анча кўпайтириш мумкин. Шунда тайёрланаётган пахтамизнинг ҳажми кескин камаймаган ҳолда Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳам сезиларли ҳисса қўшилади.

У. МАМАРАСУЛОВ,
Тошкент автомобил-йўллар институти снёсий иқтисод кафедраси доценти.

✦ ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ САБОҚЛАРИ

МАНФААТДОРЛИК ЙЎЛИ

Мамлакат халқ хўжалигини арзон ва тежамли ёнилғи билан узлуксиз таъминлашга йўналтирилган коллективимиз ўтган йили пландагидан 1 миллиард 115 миллион кубометр кўп газ қазиб чиқарди. Табиий газдан 10,8 минг тонна нефть, 81 минг тонна конденсат ажратиб олинди.

Бошқарма ўтган йилдан бошлаб хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиб ишламоқда. Бу прогрессив усул меҳнат коллективининг моддий манфаатдорлиги ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошираяпти. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг янги формалари жорий этилиши натижасида инженер-техник ходимларнинг маоши 20—25 процент ошди.

Ҳозир цех ва участкаларда чиқимдорликни камайтириш, одамларнинг меҳнатга муносабатини яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Свердловскликларнинг «Меҳнат интизомига — коллектив кафолати» шиори остидаги ҳаракати кенг кулоч ёзмоқда. Унда 7 бригада ва 13 звенога уюшган 128 киши актив қатнашмоқда.

Бу йил янги олтингугурт тозалаш тўртинчи блокини ишга туширш мўлжалланмоқда. Унинг ҳаракатдаги қурилмалардан фарқи шундаки, ускуналар автоматлаштирилган. Шунингдек, газ конденсатини нормаллаш қурилмасини реконструкциялаш тўғрисида ҳужжатлар тайёрланмоқда. Бу қишлоқ хўжалик машиналари учун қимматбаҳо ёнилғи, автоматларга А—76 бензини ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Мен юқорида тилга олган — газдан ажратиб олинадиган ёнилғининг атроф-муҳит учун зарари қарийб тўрт марта кам ва таннархи арзон. Ёнилғи Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти лабораториясида синаб кўрилди. Натижа ёмон эмас. Аммо буни саноатда қўллашга тўсқинлик қилаётган баъзи муассасалар ҳам бор.

Нормаллашган газ конденсатини қайта ишлаш корхоналарига етказиб беришда темир йўл қийинчиликларига дуч келяпмиз. Бир йилда камида 207 та темир йўл маршрути зарур бўлади. Бу бизга жуда қимматга тушмоқда. Ҳолбуки, бунинг ўрнига қайта ишланган тайёр маҳсулотни жойларга жўнатиш осонроқ. Менимча, қазиб олиш жойида хом ашёни қайта ишлаш бошқа жойларда қайта ишлашдан кўра бир неча баробар арзон. Афсуски, юқори ташкилотларимиз ҳукм сураётган бу хўжасизликка чек қўйишмаяпти.

Шу кунларда СССР Газ саноати министрлиги Қашқадарё областидаги янги газ конларидаги конденсатларни базасида Японияниг «Мицубиси» фирмаси билан ҳамкорликда углеводород хом ашёсини қайта ишлаш бўйича химия комплексини тузишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу кўрик областда геология қазилма ресурсларидан фойдаланиб ёнилғи, полиэтилен, ўрта ва юқори босимли қувурлар ҳамда бошқа халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш имконини беради.

И. ВАҒАПОВ,
Шўртангаз газ конлари бошқармасининг бош технологи.

СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банкидан

СССР Молия министрлиги билан СССР Давлат банки 1987 йилга қадар муомалага чиқарилган тангаларнинг қуйидаги турлари намуналари бўйича сифати яхшиланган бир сўмлик совет эсдалик ва юбилей тангалари қўшимча равишда тайёрланишини хабар қиладилар.

— Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан 1965 йилда чиқарилган танга;

— Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан 1967 йилда чиқарилган танга;

— Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 30 йиллигини нишонлаш юзасидан 1975 йилда чиқарилган танга;

— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан 1977 йилда чиқарилган танга;

— Инсоннинг — СССР гражданин Ю. А. Гагаринининг космосга биринчи парвозининг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан 1981 йилда чиқарилган танга;

— Совет — Болгария дўстлиги шарафига 1981 йилда чиқарилган танга;

— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан 1982 йилда чиқарилган танга;

— Карл Маркс туғилган кунининг 165 йиллиги ва ўлмининг юз йиллиги муносабати билан 1983 йилда чиқарилган танга;

— Аёл киши — СССР граждани В. В. Терешкованинг космосга биринчи парвозининг 20 йиллиги муносабати билан 1983 йилда чиқарилган танга;

— Биринчи рус матбаачиси Иван Федоров вафот этган кунининг 400 йиллиги муносабати билан 1983 йилда чиқарилган танга;

— А. С. Пушкин туғилган кунининг 185 йиллиги муносабати билан 1984 йилда чиқарилган танга;

— А. С. Попов туғилган кунининг 125 йиллиги муносабати билан 1984 йилда чиқарилган танга;

— Д. И. Менделеев туғилган кунининг 150 йиллиги муносабати билан 1984 йилда чиқарилган танга;

— Совет халқи Улуғ Ватан урушида эришган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан 1985 йилда чиқарилган танга;

— Москва шаҳрида ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалини ўтказиш муносабати билан 1985 йилда чиқарилган танга;

— Ф. Энгельс туғилган кунининг 165 йиллиги муносабати билан 1985 йилда чиқарилган танга;

— В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллиги муносабати билан 1985 йилда чиқарилган танга;

— М. В. Ломоносов туғилган кунининг 275 йиллиги муносабати билан 1986 йилда чиқарилган танга;

— 1986 йилда халқаро Тинчлик йилини ўтказиш муносабати билан 1986 йилда чиқарилган танга;

Қўшимча равишда тайёрланган тангаларнинг юз ва орқа томони намуналарга тўла ўхшашдир.

Тангаларнинг ён сатҳида қуйидаги ёзувлар бор:

— Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан чиқарилган тангада: «9 май 1965», «1988» ва «Н» ҳарфи, улар иккита юлдузча ва нуқта билан бир-биридан ажратилган;

— Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 30 йиллигини нишонлаш юзасидан чиқарилган тангада: «9 май 1975», «1988» ва «Н» ҳарфи, улар иккита юлдузча ва нуқта билан бир-биридан ажратилган;

— Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан чиқарилган тангада: «Улуғ Октябрь шон-шарафлар», «1917—1967», «1988» ва «Н» ҳарфи, улар бир-биридан учта юлдузча ва нуқта билан ажратилган.

Бошқа тангаларнинг ён қиррасида «бир сўм», «1988» ва «Н» ҳарфи бўлиб, улар бир-биридан учта нуқта билан ажратилган.

Тангалар сифати яхшиланиб, ҳар бир тури 55,0 минг донадан чиқарилган ва белгиланган чакана нархлар асосида коллекция қилиш учун аҳолига сотишга мўлжалланган.

Муомалага чиқарилаётган тангалар ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва айрим кишилар томонидан тўловнинг ҳамма турлари бўйича, шунингдек, СССР банк муассасалари ва Алоқа министрлиги корхоналари томонидан жорий, ҳисобкитоб счётларига қўшиш учун, омонатлар, аккредитивлар ва пул жўнатиш учун ҳеч қандай чеклашсиз ўз нархи билан қабул қилиниши шарт.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ТОШКЕНТНИНГ МАРКАЗИЙ МАЙДОНЛАРИ ВА КЎЧАЛАРИДА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада рўй бераётган қайта қуриш жараёнлари, жамиятни демократиялашнинг чуқурлашаётгани, фикрлар хилма-хиллиги , ва ошкораликнинг ривожланаётгани аҳоли кенг қатламларини ҳаракатга келтирди. Меҳнаткашларнинг жамоатчилик фаолиятини, бутун аҳолини активлаштирди. Кишилар кенг аҳоли оммаси иштироки билан боғлиқ турли тадбирларни, шу жумладан, байрам тантаналарини, спорт мусобақаларини, манифестацияларни ва бошқа кўплаб одамлар қатнашадиган маданий-кўнгилочар ва маърифий программаларни ўтказишга интилмоқдалар.

Айни пайтда аҳолиси кўп миллионли Тошкент шаҳри шароитларида бундай тадбирларни амалга ошириш уларни ўтказишни муайян даражада тартибга солишни талаб қилмоқда. Аҳоли барча группалари ва қатламлари манфаатларини ҳолисона ҳисобга олишни, бундай тадбирларнинг ташкилотчилари ва иштирокчиларидан интизомга қатъий риоя этилишини ва масъулият заруратини келтириб чиқармоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бундай шароитларда айрим ташаббускор группаларнинг расмий рухсат берилган ва обдон тайёргарлик кўрилган тадбирлар билан бир вақтда марказий майдонлар ва кўчаларда рухсат берилмаган турли оммавий тадбирлар ва йиғинларни уюштиришга интилаётганликларини буткул йўл қўйиб бўлмайдиган иш, деб ҳисоблайди. Бундай ҳоллардаги ташаббускорлик ҳақли равишда шаҳар аҳолисининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Уларнинг нормал дам олишларига ва бўш вақтларини ўтказишларига халақит бермоқда. Расмий маъмурлар билан келишиб олинмай ўтказиладиган оммавий тадбирлар, маълумки, шаҳар марказида шаҳар хизматлари фаолиятининг нормал маромини бузмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари анчагина кучларини ўзларининг бевосита бурчларини бажаришдан чалғитмоқда. Республика пойтахти экономикасининг ҳолатиға ва маънавий муҳитига салбий таъсир қилмоқда.

Шу йил 19 мартда В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети рухсат бермаган митинг уюштирилди. У шаҳарнинг марказий қисмида аҳволни мураккаблаштирди. Жамоат транспорти иши графигига жиддий путур етказди. Совет ва чет эл гражданларига туристик-экскурсия хизмати кўрсатишни барбод қилди. Бу маънавий жиҳатдан ташқари анчагина моддий зарар ҳам етказди. Мазкур тадбир ташкилотчилари айрим масъулиятсиз шахсларнинг безориларча хатти-ҳаракатларининг олдини ололмадилар. Бу нарса оммавий тартибсизликни келтириб чиқариши мумкин эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети барча корхоналар, ташкилотлар, идоралар ва муассасаларнинг раҳбарларини, шунингдек, жамоатчи тузилмаларнинг раҳбар органларини СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 июлдаги «СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Фармонининг 6-моддасига сўзсиз риоя этилиши юзасидан шахсан жавобгар эканлигини огоҳлантириб қўяди. Шаҳар ижроия комитети шаҳарнинг барча меҳнаткашларига, аҳолисига ҳамда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида яшаётган гражданларга мурожаат қилиб, маҳаллий Советларга социалистик турмуш нормалари ва қоидаларига қатъий риоя этишда, шаҳар территориясида яшовчи ҳамма кишиларнинг манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишда ҳар томонлама ёрдам беришга чақиради.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар марказида оммавий тадбирларни ўтказишни тартибга солиш, меҳнаткашларнинг ишдан бўш вақтларини хотиржамлик билан ўтказишлари ҳамда маданий хордиқ чиқаришларини таъминлашни гарантиялаш, шунингдек, барча тошкентликларнинг манфаатларидан келиб чиқиб қарор қабул қилди. Унга кўра, Ўзбекистон пойтахтининг тарихан таркиб топган ёдгорлик ва меъморнал марказлари аҳоли дам олишини уюштирадиган, экскурсия маршрутлари ўтадиган, спорт-кўнгилочар тадбирлар амалга ошириладиган, ёзги очиқ савдо ва ярмаркалар бўладиган алоҳида муҳофазали зона қилиб белгиланди. В. И. Ленин номли майдон, Халқлар дўстлиги майдони, Инқилоб хиёбони, Ю. Гагарин номли боғ ҳамда уларга туташ проспектлар ва магистрал кўчалар шу зонани ташкил қилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган жойларда митинглар, юришлар ва манифестациялар шаҳар ижроия комитетининг алоҳида фармойиши ҳамда тарихий воқеалар билан боғлиқ алоҳида муҳим тантанали саналар, катта давлат аҳамиятидаги байрамлар муносабати билан ўтказилади.

Бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш учун шаҳарнинг махсус жойлари белгиланади. Уларни ўтказиш мақсадга мувофиқлигини маҳаллий Советлар белгиланган тартибларга ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 июлдаги Фармонига мувофиқ кўриб чиқадилар, шу мақсадда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг махсус ишчи комиссияси тузилди. Бу комиссия халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари билан биргаликда шу жойларни ободонлаштириш, ижара ҳақи асосида улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, шаҳар мулкини муҳофаза қилишни ҳамда зарур жамоат тартибига риоя этилишини таъминловчи бошқа ҳуқуқий масалалар юзасидан конкрет таклифларни киритади.

ШУКРУЛЛО

ОЛИЖАНОБЛИК

• ЁЗУВЧИ ЎЗИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ШАРҲЛАЙДИ

КАЙТА ҚУРИШ, ошкоралиқ бу жуда яхши, жуда маъқул гаплар, аммо тўғри гап тўққанингга ёқмайди, деганларидек ҳақиқатни очиқ айтиб, уни маъқул қилиш, бу кишидан жуда катта чидам, матонат ҳам талаб қилади. Баъзан бир кишининг кичик нуқсонини ошкор айтгудек бўлсанг, шу атрофда не-не тортишув, не-не баҳслар бошланиб кетади. Ҳамма ҳам ҳақиқатни айтиб, ўз ихтиёри билан «ғалва»га қолишни, ташвиш сотиб олишни истайди, дейсизми. Партия, давлатимиз Сталин шахсига сиғиниш даврининг қонунсизликлари, миллион-миллион кишиларга келтирган жабру- жафолари, коллективлаштириш давридаги хонавайронликлар, ундан кейинги турғунлик давридаги иқтисодий-маънавий зарарнинг ҳаммасига қарши бир вақтда ошкора, дадил кураш бошлаганини ўйласанг, сенда ҳам ҳақиқатни айтишга ишонч, бир куч пайдо бўлади, илҳомлантиради. Айтишга айтасан-ку, аммо кунлаб, ҳафталаб вақтинг турли хил ижобий, салбий муносабатларга, ҳатто ҳақорат ва таъна дашномларга, беҳисоб саволларга чидам билан жавоб беришга сарфланади. Албатта ўз жонининг ҳузурини ўйлаб. Орол қуриётгани ёдингдами, менга нима, ким ўз-ўзини ёқади, ким қамалади, бўлганича бўлар, нима ишим бор, туя кўрдингми йўқ, дейдиганлар ҳам, албатта, орамизда ҳали бор.

«Новий мир» журналининг 1988 йил 10-сонида Короленконинг Луначарскийга ёзган хатлари босилди. Улардан бирида ўнлаб бегуноҳ одамларнинг, балоғатга етмаган болаларнинг судсиз, сўроқсиз отилишига қарши норозилиги билдирилади. Ахир, буларнинг на биронтаси Короленконинг қариндоши-ю, на унга таниш! Бу тарих. Аммо ҳозир ҳам газета, журналларимизда холисанилло ҳақиқатни ҳимоя қилиб ёзилган озмунча баҳслар бўлаётгани йўқ. Бу эҳтиросли, ошкора айтилган фикрларни кўриб, албатта, сен ҳам бирор нарса демасдан, муносабат билдирмасдан туролмайсан, киши.

Шу йил 16 январь куни Москва радиосидан қайта қуриш, демократиялаш ва республикамизда юз бераётган аҳвол ҳақида мулоҳазаларим эшиттирилди. Бу чиқиш, албатта мадҳ ўқиш эмас, қўпроқ табиийки, нуқсонлар, уни келтириб чиқарган омиллар ҳақида эди. Хўш, бундан менга шахсий бирор манфаат борми? Айрим хатларда шундай фикрлар айтилганки, мақтовлар билан бир қаторда, баъзиларини ўқисанг, илон пўст ташлайди. Бошдан-оёқ ўзингтагина эмас, халқинг шанига айтилган ҳақоратлар бор. Буларнинг баъзиларини ўқиб, бошимни балога қўйиб нима ҳам қилардим, деб афсусланасан. Аммо иккинчи бир мактубдаги самимий фикрларни ўқиб, на чора, плюрализм, деб таскин топасан.

Нальчик шаҳридан иқтисод фанлари бўйича мутахассис Бабкова ўз хатида «Сизнинг радио орқали сўзларингиздан республикадаги салбий ҳодисалар, айниқса хотин-қизларнинг ўзларини ўзлари ёқишлари, аҳоли орасидаги оқсил, сариқ касталикларини эшитиб, ниҳоятда изтиробга тушдим» деб ёзади ва бу касталикларнинг қандай ва қайси дорилар билан тез халос бўлиш мумкинлигини маълум қилади.

Бегона бир рус аёлнинг бундай холис меҳрибонлиги, албатта, халқлар дўстлигининг бир белгиси сифатида ниҳоятда қувонарли.

Аммо иккинчи бир нарсани афсус билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Кейинги 3—4 йил ичида Ўзбекистонимиздаги салбий ҳодисалар, айниқса порахўрлик, миллионерликлар, ҳаддан ошган тўй-томоша каби урф-одатларимиз ҳақида марказий матбуотларда шунчалик кўп нарсалар босилдики, халқимизнинг тарихи, маданияти, пахта ва пахтакорнинг машаққатли меҳнатларидан бехабар одамларда гўё ўзбеклар турли нопок йўллар билан даромад орттириб, енгил-елпи ҳаёт кечиради, деган нотўғри тасаввур туғилишига ҳам сабаб бўлди. Ҳатто айрим миллатлар орасида ўзбекларга нисбатан носамимий жирканиб қарашлар пайдо бўлиб қолди.

Мен куни кеча ёқутистонлик профессор, фалсафа фанлари доктори Авксентей Мардиновдан хат олдим. Унда «Ўртоқ Шукрулло, яқинда мен радио орқали сўзлаган сўзингизни эштитдим. Бу менда жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса кейинги йилларда кўпчилик газета ва журналларда республика раҳбарларини фош қилишга қаратилган қаторқатор мақолалар босилдики, бу савияси етарли бўлмаган аҳолида ўзбекларга нисбатан салбий фикр уйғотди ва маънавий путур етказди. Шунинг учун сизни радиодаги чиқишингиз шахсан мени ва аминманки, мен қатори эшитган ёқутларни ниҳоятда қувонтирди. Бундай чиқишлар қардошлик ҳисларини мустаҳкамлайди. Бундай чиқишларни матбуотда эълон қилишни истардик», деб ёзади олим.

ХОЗИР ошкоралик замони, ҳамма ўз фикрини айтиши мумкин. Аммо бутун бир халқ, республика ҳаётига алоқадор масалалар ҳақида гап кетганда, кимнингдир кўчадами, трамвайдами айтган гапини достон қилиб, умумий бир аҳволдек талқин қилиб, матбуотда кўтариб чиқиш мутлақо тўғри эмас. Ҳамма ўз фикрини айтишга ҳақли, аммо уни кўпчиликнинг фикри билан ҳам қиёс қилиб кўриш керак. Борди-ю: бир-икки миллат вакили бир-бири билан кўчада уришса ёки бир-бирига маломат қилса, дарҳол миллий масала, миллатлараро муносабатларга шама қилиб умумлаштириш миллатлараро дўстликка путур етказади, холос. Ёки республикада юз берган салбий ҳодисалар, порахўрлик, ғўзбўямачиликларни «Ўзбеклар иши» деб бир халқ номи билан аташ ҳам меҳнаткаш халқ ҳақида нотўғри тасаввур қолдиради.

Украинанинг Винница шаҳридан келган бир мактубда Ўзбекистон ҳақидаги танқидий мақолаларни ўқияпман-у, аммо пахтачилик, ўзбек халқининг ҳаёти билан таниш эмасман, деб ёзилган. Бунга жавоб тариқасида холис, бегона бир одамнинг — Қалмоғистоннинг Элиста шаҳрида яшовчи Клавдия Федоровна Хохлиновнинг менга ёзган бир хатини унга юбордим. Чунки менга бегона бу рус аёлнинг айтганлари ўзбек халқи, Ўзбекистон ҳақида холис маълумот берарди. Ўша хатни айнан келтираман: «Ҳурматли ўртоқ Шукрулло, 16 январь куни радио орқали сизнинг «Инсон қадри» мавзуидаги чиқишингизни эштидим. Ўзимни болалик ва ёшликларим ўтган меҳрибон, сахий, дилкаш одамлар орасида бўлгандек ҳис этдим. Отам дафн этилган табаррук тупроқда, ўз ватанимда бўлгандек қувондим.

Менинг миллатим рус, институтни тугатгунча Ўзбекистонда яшаганман. Шунинг учун Ўзбекистонни ўз ватаним деб биламан. Отаоналарим билан 1932 йили Саратовдаги оч ликдан қочиб, Ғузор, Китобда яшадик, умрим асосан Каттабоғда ўтди. Шу ерда ўқидим. Менинг дугоналарим рус тилини деярли билмаган ўзбек қизлари эди...

Ўзбекистондаги салбий ҳодисалар ҳақида матбуотда мақолалар босила бошлагандан кейин, рашидовчилик, одиловчилик қаердан пайдо бўлиб қолди, ахир мен ўзбекларни, ўз халқнинг покиза халқ эканлигини билардим-ку, деб ҳайрон бўлдим.

Мен пахтани жуда қадрлайман. 5-синфдалигимдан бошлаб институтни битиргунимга қадар ҳар йили кўсаккача терганман.

Институтни битирганимдан сўнг 7 йил Қирғизистонда ишладим. Бу республикаларда бир одам менинг миллий ғуруримни камситганини, ўзимни бегоналар ичида ҳис қилганимни билмайман.

1957 йилдан буён Қалмоғистонда яшайман. Қандай қилиб мен ўз бағрига бизларни олиб, 1932—1933 йиллар очарчилигидан қутқарган Ўзбекистонни унутишим мумкин!

Қандай қилиб мен, 1942—1945 йилларда немислар босиб олган ерлардан кўчиб борган, қанча-қанча одамларни ўз хонадонига олиб, меҳрибонлик кўрсатган халқни унутишим мумкин?

Ахир, қандай қилиб мен турли миллат болаларини ўз болалари билан тенг кўриб, кўрпа ёпилган сандал атрофига ўтқазган, гоят меҳрибон ва сахий Ҳалима опани унутишим мумкин? Бу оилада чой ҳам, бир бурда нон ҳам ҳаммамизга бирдек тенг бўлинарди.

Бу халқнинг ҳалол ва поклиги ҳақида бир-икки далил айтиш кифоя.

Эвакуация қилинганлар етиб келгунича, бу ердаги бирон уйнинг эшигида қулф борлигини кўрганимиз йўқ.

Биз 13—15 ёшли қизлар Ҳалима опа фронтдаги жангчилар учун текинга жун қўлқоплар тўқиб, ўзи эса қиш бўйи сарпойчанг, қуруқ калишда юрганининг гувоҳимиз.

Шундай меҳмондўст, меҳрибон, ҳалол, меҳнаткаш халқни ҳимоя қилиб, радио орқали гапирганингиз учун сизга минг-минг раҳмат.

Радио орқали эштганим учун отингизни тўғри айтолмаган бўлсам, узр ва сизга, сизнинг яқинларингизга энг яхши истак ва ижодий ютуқлар тилаб: Клавдия Федоровна Хохликова».

Кишини қувонтирадиган бундай дўстона хатлар менинг қўлимда битта эмас, ўнлаб бор. Уларни ўқиб узоқ ўйланиб қолдим. Очиғини айтсам, жуда қувондим. Қалбимда бир ғурур ҳисси, ўзбеклигимдан фахр сездим. Ахир, сенга бутунлай нотаниш рус, украин, ёқут, татар ва бошқа турли миллат вакиллари халқинг ҳақида, унинг меҳрибонлиги, дўстлиги, меҳнаткашлиги ҳақида самимий гапларни айтса, бундан ҳам қувончли нима бўлиши мумкин?

Баъзи бировлар: «Республикадаги салбий ҳодисалар ҳақида икки-уч одам танқидий гапирса, уни ўзбек халқи шанига ҳақорат деб санайсиз-у, уни тан олмайсиз, аммо кимлардир мақтаса бу сизга ёқади, буни ҳақиқат деб қабул қиласиз», дея савол беришлари ҳам табиий. Бу ерда ғап шундаки, масала фикр билдирувчиларнинг кимлигида, улар битта бўладими, ўнта бўладими, айтилган гап кўпчиликнинг дилига уйғунлиги, халқ ҳаётига, ҳақиқатга мос келишидадир.

Хатлардан мисол келтиришимнинг яна бир сабаби шундаки, Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат вакили яшайди, деб фахрланиб гапириб келамиз. Яқин йилларгача шу ерда яшаган бирор миллатдан — корейсми, русми, қрим татарми, уйғурми, озарбайжон ё украинми — ўзбеклардан шикоят қилиб, «бизни камситди» деган шикоятни эштитмагандим. Бирон газетада бу ҳақда гап ҳам бўлмаган. Кейинги пайтларда Ўзбекистондаги салбий ҳодисалар ҳақида матбуотда кунба-кун ёзиб туришган бир пайтда турли қардош халқлар вакилларининг мактубларида ўз халқинг, юртинг ҳақида дўстона, самимий гаплар эштиш нега қувонтирмасин?

Менга юборилган турли миллат вакилларининг айрим мактубларидан баъзи бир намуналар келтирар эканман, шанимга билдирилган илиқ фикрларни таъкидлашни эмас, энг аввало миллатлар ва миллий муносабатлар ҳақида қизғин баҳслар бораётган айни замонда совет кишилари бир-бирларининг яхшисига суяниб, нуқсонига куйиниб, бефарқ қарамасликларига ёрқин мисол бўлишини назарда тутдим. Айрим хатларда яхши ниятда айтилган фикрларимга танқидий, ҳатто билдирилган жиддий эътирозлар ҳам йўқ эмас.

Сталин шахсига сиғиниш даври 1930—1950 йилларда халқимиз бошига солинган жабру-жафолар ҳақида билдирган фикрларимга Ульянов шаҳридан ўртоқ Р. Трофимов эътироз билдириб, «Бизлар Сталин номи билан жангга кириб ғалаба қилганмиз. 1930—1950 йилларда буюк давлат раҳбари сифатида давлатимизни Сталин бошқармаганда ютуқлар бўлмасди», дея Сталин ҳақидаги фикрларимга қўшилмаганини ёзибди. Нима ҳам дердим? Ҳамма ўз фикрини айтиш замони! Лекин айрим хатлардан чиқарилган хулоса шуки, Сталин давридаги репрессияларнинг халқимиз бошига солган жабрларини, маънавий зарарларини ҳали кишилар онгига етарлича етказаолганимиз йўқ.

ХАЛИ ОРАМИЗДА шахсга сиғиниш даври халқимизга етказган мусибатларни фош қилиш ва бунга ҳисса қўшиш эмас, аксинча билар-билмас ҳимоя қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Улар кимлар? Афсуски, «Нега биз қаматган одамларнинг ҳаммаси — Тухачевский, Блюхер, Акмал Икромов, Усмон Носирдек суяклари Сибирларда чириб, отилиб йўқотилмаган экан? Шундай бўлганда қамоқдан тирик қайтганлари бизни эл ичида ҳозир фош қилиб, шарманда қилмасди», дейдиган одамлар ҳали ҳам топилиши гумондан холи эмас. Бундай бешафқат одамларга ноҳақ қамалганларнинг азоблари-ю бегуноҳликларини тушунтириш учун далил ва исботнинг ўзи кам. Бундайларнинг руҳиятини билмасдан туриб, улар билан курашиш самара бермайди. Чунки бундайлар ҳали ҳам бўлар-бўлмас турли баҳоналар ўйлаб топиб, жамоатчиликни чалғитишдан ор қилмайди.

1930—1950-йиллардаги қамашлар, Сталининг қилмишлари, жиноятлари, шахсан унинг иштироки ҳақида, мана бир неча йилдан бери матбуотда аниқ ҳужжатлар келтирляпти. Партия ва ҳукуматимиз томонидан қарорлар қабул қилинди. Шунга қарамасдан «қамалганлар учун Сталининг бир ўзини айбдор қилиш инсофданми, у ҳаммасини билмаганку», дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Бунга қўшилиб бўлмайди. Кечагина ўз ёнида ишлаган сиёсий давлат арбоблари, ҳарбий раҳбарлар — Тухачевский, Блюхер, Акмал Икромовга ўхшаганлар кетма-кет бедарак кетаверса-ю, давлат ва халқ тақдирига масъул шахс буни билмаса. Мантиққа тўғри келмайди. Миллионмиллион қамалганларнинг етим қолган болалари, бева қолган хотиналарининг фарёд солиб ёзган оҳу-ноналари ҳам наҳотки унга маълум бўлмаган бўлса?!

Сталин сиёсатини ёқловчиларга бир савол бермоқчиман. Сталин даврида нуқсонларимизни айтиб бўлмасди, яхши ният билан айтганлар ҳам қамоққа олинган. Бу ҳақ! Энди-чи, ҳамма ўз фикрини очиқ айтяпти. Камчиликларни танқид қиляпти. Энди гоҳо бундайларни «ҳаётимизни бузиб кўрсатишмоқда, ютуқларимизни кўролмаяпти», деб ур-сур қилсак, қайси ҳақиқатга тўғри келади? Бу — демократиями? Бу инсон қадрини билмаслик, жаллодлик бўлмайдими? Борди-ю, бу бедодлик, золимлик ҳисобланса, шундай сиёсат олиб борган Сталинни нима учун ёқлаш керак? Нега у золимликда айбланса, бунга монеълик қилиш лозим?

Агар гап, шахсга сиғиниш даврининг фақат айрим одамларга келтирган жабру-жафоси устида бўлганда, уни кечириш мумкин бўларди. Бу ердаги асосий гап — шахсга сиғиниш даври жамиятимиз, маданиятимиз, адабиётимиз тараққиётини орқага сурганлигида, энг яхши истеъдодлар, илғор фикрловчи олимлар, ижодкорлар, шоир, ёзувчиларнинг рўёбга чиқишига тўсиқ бўлганлигида. Зеро, энг талантли, халққа манзур, ҳақиқатгўй ижодкорлар ҳуда-беҳуда айб билан қамоққа олинди, ахир. Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, буларни қўйберайлик, 1950-йилларда қамалган Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Ҳамид Сулаймон, ака-ука Алимуҳамедовлар, ахир булар ёмон таржимон, бефаҳм олим, талантсиз ёзувчилармиди?

Шахсга сиғиниш даври, унинг ҳимоячиларига шунинг учун ҳам қарши курашиш керакки, улар адабиётимизда бадиий заиф, ўртамиёна, риторик асарлар яратилишига, адабиёт ривожига, тилимизнинг тараққиёти, тарихимизни ўрганиш, ўнинг тўғри ёритилишига тўсиқ бўлдилар, маданиятимиз тараққиётига ҳисса қўшган, жон куйдирган одамларни миллатчиликда, душманликда айбладилар.

Кечагина бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ўрта ёшли бир одам «ушла-ушла» деб кимнидир қувиб кетди. Нима ғап десам, бировни қонқақшатиб қочди, дейди. Жабрланган ким у, укангизми, ўғлингизми? Сизга ҳам шикает етказмасин, десам, қариндошим бўлиши шартми? Бегонани ўлдирса индамаслик керакми? Виждон, инсоф деган нарса борми, ахир, дея жавоб қилди! Бу олижаноблик эди!

Ҳозирги давр — виждон, ҳалоллик, меҳрибонлик учун кураш даври. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан менга юборилган холис одамларнинг хатлари бундан ёрқин далолат.

• Спорт

КУРАШ:

САФАРДА ҒАЛАБА

АҚШнинг Толидо шаҳрида жаҳон кубоги учун ўтказилган беллашувларда совет полвонлари команда ҳисобида ғалабага эришдилар. Бу ютуққа тошкентлик таниқли полвонлардан ака-ука Аслан ва Махарбек Хадарцевлар муносиб ҳисса қўшишди.

ФУТБОЛ:

ЯККА ПЕШҚАДАМ

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасига кирувчи коллективлар ўртасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари сафарда Самарқанд динамочилари дарвозасига бир тўп киритиб, ғалаба қозонишди. Бу билан фарғоналиклар жами очколарини 6 тага етказиб, якка пешқадам бўлиб олдилар. Шунингдек «Вахш», «Зарафшон», «Ёшлик», «Ораз», «Соҳибкор», «Янгиер» коллективлари ҳам ўз ҳисобларига иккитадан очко ёзишди.

БЕШКУРАШ:

КОМАНДА ҲИСОБИДА

Тожикистон пойтахтида бирлашган кўнгилли физкультура ва спорт жамиятлари биринчилиги учун ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида республикамиз ўсмирлари юқори натижага эришдилар. Спортчиларимиз команда ҳисобида биринчи бўлишди. Шахсий ҳисобда югуриш, сузиш, чавандозлик, мерганлик, ва қиличбозликни ўрнига қўйган тошкентлик Ёқуб Ашрапов ғолиблик супасига кўтарилди.

СПОРТЛОТО

2 апрель куни ўтказилган 14-тираж ўйинларида қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди.

«45 дан 6»: 7 (классик курош), 9 (шосседа велопойга), 12 (гимнастика), 17 (коньки спорти), 39 (бадминтон) 41 (стол тенниси).

«36 дан 5»: 6 (дюздо курош), 9 (шосседа велопойга) 25 (чана спорти), 26 (замонавий бешкураш), 32 (фигурали учиш).

[ТАСС].

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг ТОШКЕНТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» КЎН-ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ бирлашманинг бош директори лавозимига КОНКУРС АСОСИДА САЙЛОВ ЎТКАЗАДИ.

Конкурсда олий маълумотли ва раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил ишлаган, экономикани ва ишлаб чиқариш хусусиятларини яхши билган, замонавий хўжалик юритиш методларини эгаллаган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ариза кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, маълумот ҳақидаги диплом нусхаси, сўнгги иш жойидан характеристика.

АРИЗАЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ ИККИ ҲАФТА МОБАЙНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700121, Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, 27-уй. Конкурс комиссиясининг телефони: 53-10-68.

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ЎРТА ОСИЯ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ кафедралар бўйича ҚУЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар: 1-хирургик касалликлар (урология); ички касалликлар пропедевтикаси; ассистентлар: жисмоний тарбия, биология (3 ўрин кундузги бўлим, кечки бўлим), биокимия (4), нормал анатомия (4-кундузги бўлим, 1,5-кечки бўлимлар), гистология (2), микробиология (2), патологик физиология, умумий гигиена, социал гигиена, кўз касалликлари ички касалликлар пропедевтикаси (2), 1-болалар касалликлари пропедевтикаси (1,5), суд медицинаси (2);

ўқитувчилар: чет тиллари (2-кундузги бўлим, 1-кечки бўлим), жисмоний тарбия, рус тили (3).

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 АПРЕЛГАЧА.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй (156, 165-автобусларнинг «САМПИ» бекати).

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

катта илмий ходим: эпидемиология ва рак профилактикаси, канцерогенез механизмлари;

кичик илмий ходимлар: комплекс терапия (2).

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

Онкология (2), рентгенология мутахассисликлари бўйича.

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ КОНКУРС МУДДАТИ — 12 АПРЕЛГАЧА.

Ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги низомга мувофиқ қуйидаги адресга жўнатилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 383-уй.

●

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА 6 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА СССР 52-чемпионати учун 1-лиганинг «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ГУРИЯ» (Ланчхути) командалари ўртасида футбол.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/IV да **Қуёшга таъзим қил**, 6/IV да **Отелло**, 7/IV да **Дон Кихот**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да **Юлдузли тунлар** (19.30), 6/IV да **Зебуннисо** (19.30), 7/IV да **Келинлар қўзғолони** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/IV да **Шайтон ва мурғилар** (19.30), 6/IV да **Ур, тўқмоқ** (15.00), **Тошболта ошиқ** (19.00), 7/IV да **Качал полвон ва ғармсел** (15.00), **Концерт** (10.00).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14,